

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 121 (10.426)

2005 ЙИЛ 23 ИЮНЬ

Ённинг жазира-ма кунларида фавворалардан жилоланиб отилаётган сувлар салқинидан баҳра олишнинг ўзига яраша гаши бўлади. Пойтахтимизда ана шундай нафақат ажиб таровати билан кўзни қувнатувчи, балки ўзига яраша салқинлик бағишловчи фавворалар жуда кўп.



Шаҳрим — фаҳрим

## ФАВВОРА ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Яқин кунларда эса уларнинг қаторига яна бир улкан фаввора қўшилиди. Бу пойтахтимизнинг энг гажум "Чорсу" бозорида қад ростлаётган, бугунги кунда қурилиш-тиклаш ишлари қизгин олиб борилаётган фавворадир.

Фавворани бунёд этиш ишларида бош пудратчи — "12-Трест" акциядорлик жамиятининг 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари гайрат кўрсатишмоқда. Айни пайтда бошқарманинг 45 нафардан зиёд қурувчилари меҳнати билан қурилиш-тиклаш ишлари низоюсига етмоқда.

— Бир неча йилдан буён бунёдкорларимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда, — дейди бошқарма раҳбари Мурод Маликов. — Шунингдек, фавворалар қуришда ҳам анчагина тажриба тўплаганмиз. Бозор ичида қурилаётган фаввора ҳам пойтахтимизнинг энг файзли масканига айланиши, шубҳасиз. Чунки унинг ён-атрофи ободонлаштирилиб ва кўкаламзорлаштирилиб, дам олиш учун ўриндиқлар ҳам ўрнатилади.



Насиб этса, ҳадемай ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари янги фаввора жи-лосидан завқ, атрофига ёйилган салқин сув томчиларидан баҳра олишади.

**Шарофат БАХРОМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** бригадир Карим Хамидов ва монтажчи Бахтиёр Иноят; фаввора қурилишида сидқидилдан гайрат кўрсатаётган пайвандчи Жасур Юров пешкадамлар сафиди.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

### ПОЙТАХТНИНГ бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСКА

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган назарий семинар жамиятини модернизациялаш ва демократиялашда ижтимоий фанларнинг аҳамиятига бағишланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда ногирон болалар ўртасида ўтказилган "Мафтунокор ранглар олами" кўрик-танлови "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги академик Катта опера ва балет театрида жорий йилги мавсум якунланганлигига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** 97, 246, 258-мактабларда "Қамолот" ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан "Спартакиада: ёз-2005" деб номланган спорт мусобақалари ўтказилди.

● **КЕЧА** 154-мактаб қошидаги оромгоҳ тарбияланувчилари "Қамолот" ЁИХ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан шаҳримиздаги Ёнги хавфсизлиги музейига сафар уюштиришди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

### Ислохотларнинг янги босқичи

## ХУСУСИЙ ТАРМОҚҚА — КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни ислох қилиш ва замонавийлаштириш жараёнларига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ақинда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси раиси Маҳмуджон Асқаров ЎЗА муҳбирига мазкур фармонларни амалда жорий этиш юзасидан қўмита олдида турган вазифалар ҳақида сўзлаб берди:

— Мамлакатимиз Президенти фармонларининг аниқ ва пухта ўйланган ижроси ислохотлар ва тузилмавий ўзгаришларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига тўла мос келади, хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, барқарор ўсиш суръатларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари даромади кўпайишини таъминлаш имконини беради.

Республика иқтисодиётининг жадал эркинлаштирилиши хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётда унинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш учун асос яратади. Шулар қаторида янги қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, жумладан давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ри-

вожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича асосий устуворликларнинг тизимли асосда амалга оширилишини таъминлаш имконини беради. Давлат мулк қўмитаси бу қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этади.

Масалан, қўмитамиз қорхоналарни хусусийлаштиришдан сўнг уларни қўллаб-қувватлаш, янги кичик қорхоналар, хусусий цехлар ҳамда касаначиликни ташкил этиш шакллари, кичик қорхоналарнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг маҳсулотини сотиш бўйича хизмат кўрсатувчи хусусий таъминот тузилмаларини рағбатлантиришга қаратилган ҳукумат қарорларини тайёрлашда қатнашади.

Айниқса Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур. Бу тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришнинг рўйхатга олиш тамойилига босқичма-босқич ўтишнинг ёрқин мисоли ҳисобланади. Шундай қилиб, хусусий тадбиркорлик йўлидаги бюрократик тўсиқлар олиб ташланади. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатини тайёрлаш юзасидан ўз тақлифларимизни ишлаб чиқармиз ва тақдим этамиз.

Давоми 2-бетда.

### XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

● Наманган шаҳрида «Сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишидаги НТТМларда методик хизматни такомиллаштириш» мавзусига бағишланган республика амалий методик семинари бўлиб ўтди.

● Янгибод тумани маркази — Баландчакир қишлоғида агроиктисодиёт коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди.

● Поплик ёшларнинг касб-хунар эгаллашлари учун яна бир қулайлик яратилди. Поп шаҳрида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши билан ҳамкорликда «Жаннат — Гулнор — Зиё» ўқув маркази ташкил этилди.

● «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Оҳангарон Маиший касб-хунар коллежидаги бошланғич ташкилоти ташаббуси билан коллеж гуруҳларидаги етакчилари ўртасида «Қим зукко-ю, қим доно» мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида «Овқатла-ниш сирлари» мавзусига бағишланган йирик анжуман бўлиб ўтди. Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ташаббуси ва сайёҳаракати билан ташкил этилган мазкур анжуман ки-шиларимиз саломатлиги йўлида жиддий аҳамиятга эга бўлган масала — рационал овқатланиш муаммоларига бағишланди.

#### Жаҳонда

● Исроил Бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин миллий маъмурияти раиси Махмуд Аббас Қуддусда икки томонлама музокаралар олиб боришди. Етакчилар охириги марта шу йилнинг февралда Шарм аш-Шайх (Миср) шаҳрида учрашган эдилар.

● Афинадаги кўчалардан бирида ўтиб кетаётган йўловчи пийдалар йўлидаги шубҳали нарсани кўриб қолди ва тезда бу ҳақда полицияга хабар қилди. Воқеа жойига етиб келган полициячилар шубҳали нарса унчалик катта бўлмаган қўлбола бомба эканлигини аниқлашди.

● Польша Президенти Александр Квасьневский мамлакатда Европа Иттифоқи конституцияси лойиҳаси юзасидан ўтказилиши режалаштирилган референдумни номаълум муддатга кечиктирди.

● Хитойнинг Жанубий музофотларида тинимсиз ёмғир ёғиши туфайли Цяньцзян, Сюньцзян, Сицзян дараёлида тошқин содир бўлди. Табиий офат натижа-сида камида 26 киши nobуд бўлганлиги таъкидланган.

## Иқтисодиёт

ФИРМА  
ДҲКОНЛАРИ  
ОЧИЛАДИ

«Сағбон-текстиль» ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган эркаклар ва аёллар, шунингдек, ўсмирлар ва болалар трикотаж маҳсулотлари ҳадемай ўз фирма дўконларида харидорларга етказиб берилади.

Ички бозорни хорижликдан асло қўшимайдиган устки ва ички трикотаж товарлари билан таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтиришни мақсад қилган ҳамкорликдаги корхонада 400 нафар хотин-қизни ишга жойлаштириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда уларнинг 170 нафари меҳнат қилмоқда.

Цехларга Япония, Туркия, Австрия ва бошқа хорижий давлатлар фирмаларидан келтириб ўрнатилган тўкув, тикув ва бичиш дастгоҳлари ёрдамида қисқа давр мобайнида 20 га яқин моделдаги кийим-кечаклар тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди. Энг муҳими эса моҳир модельерлар яратётган ва чеварлар меҳнати билан тикилаётган трикотаж маҳсулотлари ўрналишига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган ушбу жамоада келгусида яна ўнлаб иш ўринлари очилиб, ҳамкорлик асосида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари кўпайтирилади. Бугун корхона таъсисчиларининг асосий савий-ҳаракати эса маҳсулот экспортини йўлга қўйишга қаратилган.

СИФАТЛИ  
ШАМПУНЛАР —  
СОЧЛАРИНГИЗ  
ЖИЛОСИ

Чиройли, соғлом, жилавор сочлар инсон гўзаллигини янада оширади. Сочларнинг соғлом ўсиб, ўзгача жилоли бўлишида сифатли шампунларнинг ўрни беҳис.

Шу боис ҳам 2003 йилда ҳамкорлик асосида иш бошлаган «BAW Chemicaes ITO» Ўзбекистон—Австрия—Ирландия қўшма корхонасида ана шундай шампун ҳамда ювиш ва тозалаш воситаларининг рақобатбардош турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган қўшма корхонага маҳсулот тайёрлаш учун асосий хом ашё Австриядаги машҳур «BEFA» компаниясидан келтирилади. Ушбу компания 1976 йилдан буён Европа бозорига ўз маъноси ошириб, косметик маҳсулотлар ва маиший кимё товарлари ишлаб чиқариш соҳасида етакчи жамоалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унинг маҳсулотлари ISO 9001:2000 халқаро сертификатига эга.

Ҳозирда қўшма корхонада «BEFA-LUX» маркази билан тайёрланаётган турли хил сочлар учун мўлжалланган, яъни хна экстракти қўшилган, қазоққа қарши, болаларга аталган шампунлар нафақат сочларни тозалайди, балки уларга жило бағишлаб, мустаҳкамлигини ҳам таъминлайди, соғлом кўришида муҳим аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН,  
ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИҒАНИМЛАР ЧУЧВАРАНИ  
ХОМ САНАШАДИ

Муҳсин КОДИРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, санъатшунослик фанлари  
доктори, профессор:

— XXI аср жуда серташвиш, серғалва бошланди. Чунки терроризм, диний экстремизм бало-қазодек ер юзидagi мамлакатларга, бутун инсониятга таҳдид солмоқда. Инсоният минг йиллар давомида эришган цивилизацияни ер билан яқсон қилмоқчи. Бу шунчаки ваҳима гап эмас. Ҳозир ҳар бир ақли расо киши шу ҳақда ўйламоқда. Зотан кейинги пайтларда диний экстремизм ва терроризм учинчи бир етилиб келаётган бало-қазо билан бирлашаётгани тобора аён бўлмоқда. У ҳам бўлса мустамлакачиликнинг янги шакли — неокOLONиализм балосидир. Тўғрироғи дунёга ҳукмрон бўлиш вассаси билан ёнаётган супердавлатлар террорист ислом ақидапарастларини қўлга олиб, уларни моддий-маънавий жиҳатдан таъминлаб, ўз мустамлакачилик сиёсатини юргизиш ҳаракатида. Қайси мамлакат мустақил йўлдан кетмоқчи бўлса, уни турли йўллар ва воситалар билан бадном қилиш, қўшинларини гиж-гижлатиш, қўлбола кучларни топиб унга қарши қўйиш, мабодо бу ҳам кор қилмаса очикдан-очик жазо чорасини қўллаб ўз сиёсатини юргизиш, бу давлатлар учун одатдаги ҳолга айланиб бормоқда. Бу неофашизмнинг бир кўриниши.

Андижонда рўй берган воқеаларни шу тахлитда баҳолаш мумкин. Ақромийлар

мана шу ёвуз халқаро кучлар қўлида бир ўйинчоқ холос. Уларнинг ислом ҳалифатини тузиш ҳақидаги ғоясига келсак, бу энди куракда турмайдиган, ақл бовар қилмайдиган сохта тентак хаёлидай бир гап. Аслида Андижондаги Ақромийлар ҳам, уларнинг пешволари ҳам асл динимизнинг шариатлари учун курашмоқчи эмас, балки динни никоб қилиб олиб, қонуний давлатни ағдариб, ўзлари эгаллик қилмоқчи, мамлакатда ўрта аср тартибларини, қоронғулик ва жаҳолатни ўрнатмоқчи. Уларнинг Андижон вилоят театрига ўт қўйиб вайрон қилганликларининг ўзи асл башараларини яққол кўрсатиб берди. Шундай санъат ўчоғини яқсон қилган қора ниятли кимсалардан ҳар нараса куттиш мумкин. Лекин улар асло қора ниятларига етолмайдилар.

Бу борада матбуотда ўз фикрини билдириб ўринли саволлар берган пенсионер Анфим Хлизовча демокчи эдимки, ўзбек халқининг тинч-осуда ҳаётини қўра олмаётганлар оз эмас, лекин улар ҳар қандай никоб остида, ғараз ниятда мустақиллик, озодлик, истиқлол неъматларига раҳна солмоқчи бўлмасин, бундай хатти-ҳаракатларга ягона бир куч устун келиши мумкин, у ҳам бўлса, халқимизда Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, меҳтин ироданинг муҳассамлигидир.

Келажаги порлоқ Ўзбекистониимизни, ўзининг олий мақсадлари йўлидан илдамлаб бораётган халқимизни ҳеч қачон ҳеч ким ўз ёвуз нияти билан енголмайди.

Ортиқали ҚОЗҚОВ,  
Ўзбекистон Республикаси санъат  
арбоби, расом:

— Жаҳолат ҳеч қачон ғалаба қозонган эмас. Андижон воқеалари халқимиз, жумладан мени ҳам қалбимни ларзага солди. Шундай буюк алломаларимиз ва санъаткорларимиз юрти бўлган, Бобурдек буюк зотларни дунёга келтирган муқаддас заминда бундай хунрезликларнинг содир бўлиши кишини ўйга толдиради, албатта. Ўз Ватанига қўл кўтармоқ ҳеч кечирилмас ҳолатдир. Шу халқ, шу юрт уни ювиб-тараб воёга етказса, уни қорига яраш ўрнига ўз она Ватанига қарши курашса, қотилликларга қўл урса, бу инсон юрт ўғли эмас. Бундай қора ниятли нонкўрларни ҳеч ким ҳеч қачон кечира олмайди. Бир тўда ақидапарастликни ўзига никоб қилган кимсаларнинг режалари бутун орзуларни йўлида бунёдкорлик иҳоди билан яшаётган халқимизни ўз йўлидан қайтарга олмайди. Айниқса, санъат даргоҳига ўт қўйишга қўл урган бундай жоҳиллар фақат халқнинг нафратига дучор бўлади. Ўз юртини севган, Ватани билан фахрланган юрт фарзанди ҳеч бундай ишларга қўл урмайди. Аксинча ўз бахтини халқи йўлида қилинган эзгу ишлари билан ўлмайди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Ушбу иборада ўзбек халқининг асрий орзуларини ўзида муҳассам этганлигини яққол сезиш мумкин. Биз бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун доимо оғоҳ бўлишимиз, ёшларимизни бундай ёт ғоялардан ҳимоя қилмоғимиз зарур. Зеро, буюк тарихга эга ўзлигини англаган, буюк келажаги учун интилаётган халқимизни ҳеч қандай қора кучлар ўз йўлидан қайтарга олмайди. Холбуки, маънавият ва маърифат бор жойда ҳамиша ҳар қандай хунрезликларнинг устидан ғалаба қозонилган.

ХУСУСИЙ ТАРМОҚҚА —  
КЕНГ ЙЎЛ

Давоми. Боши 1-бетда.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги эълон қилинган фармонда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш йўналишлари ҳам кўрсатиб берилган. Энди назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви кескин камаяди, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланади. Тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чеклашга йўл қўйилмайди, бу эса умуман тадбиркорлик ҳаракатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини яратди, бизнес билан шуғулланувчиларга янги қафолатлар берилади.

Бу борада тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лицензиялар бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган ёки у қайтариб олинган ҳолларда суд орқали тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада ишбилармонлар, инвесторлар ва халқаро молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга ишончи мустаҳкамланади.

Фармонлар мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг мантикий давомий ҳисобланади.

Маърузада асосий стратегик вазифамиз — демократия қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг эркинлаштириш йўлидан самарали, босқичма-босқич ва исчил бориш эканлиги қатъий таъкидланган эди.

Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашуви чеклаш масалаларига ҳам муҳим эътибор берилмоқда.

Ҳўжалик субъектларига нисбатан қўлланадиган жаза чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, қасддан қилинмаган ва майда қонун бузиш ҳоллари учун жарималар миқдорини камайтириш ҳамда тадбиркорларнинг иқтисодий равишида зарарни қолганда жаза қўлламаслик вақти етди.

Таъкидлаш жоизки, вазирликлар ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча қафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича ҳуқуқат қарорлари пакетини киритиш вазифаси топширилган. Бу ҳужжатлар 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг яппи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказишга хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ўзбек, инглиз ва рус тилларида «Ўзбек пазандалик санъати» («Узбекское кулинарное искусство», «The art of Uzbek cuisine») номли китобни нашр эттирди.

МИЛЛИЙ ПАЗАНДАЛИК  
КЎЗГУСИ

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва тавсиясига биноан яратилган мазкур китобда халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятлари, улкан маданий ёдгорликлари, умрбоқий аңъана ва удумлири ўз ифодасини топган. Юртимизнинг гўзаллиги, бетакор табиат манзаралари, саховатли замин одамларининг бугунги ҳаёти сержило ва ёрқин рангларда акс эттирилган.

Китоб дебючасида Юртбошимизнинг «Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий таъзияққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўз тарихий ва маданий қадриятларини, урф-одат ва ўзига хос бағрикенглик, меҳмондўстлик аңъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қадимий тарихимиз ва бетакор маданиятимиз, удуларимиз ва ҳаёт тарзимизнинг узвий бир қисми бўлган ўзбек пазандалик санъатида ҳам эл-юртимизга мансуб ана шундай гўзал ва ибратли фазилатлар ўз аксини топган десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди» деган фикрлари келтирилган.

Бинобарин, халқимиз, барча соҳаларда бўлган каби, пазандаликда ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Айниқса, мустақиллик йилларида мил-

лий пазандалик санъатининг ривожланиши учун кенг имкониятлар юзга келди. Унутила бoshлаган қўлгина тансиқ таомлар ана дастурхонимиз кўрғига айланди, миллий пазандачиликнинг қадимий аңъаналари қайта тикланди. Бугун пазандачилигимиз нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам донг таратмоқда.

Китобда миллий таомларимизнинг хуштаъм ва шифобахш хусусиятларга эга бўлишига аввало, серкўёш заминимизда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг сарҳиллиги, юртимизнинг таомга мазза киритувчи, унга муаттар

хид ва хушхўрлик бағишловчи зинаворларга бойлиги ҳамда энг муҳими — ошпазларнинг маҳорати сабаб экани алоҳида таъкидланади.

«Ўзбек пазандалик санъати» китобида миллий пазандачилик қадрият ва урф-одатлар уйғунлигида тахлил этилган. Халқимизнинг меҳмондўстлиги таъкидланиб, турли хил қуюқ, суёқ ва хамир таомлар, нон ҳамда қандолат маҳсулотлари, салатларнинг таърифлари ва уларни тайёрлаш усуллари батафсил баён қилинади. Шунингдек, китобда миллий пазандачиликнинг таъкид усталари хусусида ҳам маълумотлар берилган.

Ҳар қандай китобхонани ўзига жалб этадиган нафис дизайн ва юксак сифатга эга мазкур китоб кўпнинг нусхада чоғ этилган.

ЎЗА

## Маълум

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР  
ГОЛИБ БУЛИШДИ

«Академик қўшиқ куйлаш» деб номланган республика қўриқ-танлови мусиқа билим юртиларида билим олаётган истеъдодли ёшлар учун жиддий ижодий синов бўлди.

Ушбу тадбирнинг аёнловчи босқичида 20га яқин ёш мусиқачи иштирок этди.

Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежсининг қобилиятли ўқувчилари ҳам фаоллик кўрсатдилар. Раҳим Мирзақамоллов ижро этган қўшиқ ва ариялар ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. У ўғил болалар беллашуви бўйича соҳибини биринчи ўринни қўлга киритди.

Қизлар ўртасида эса иқтидорли ўқувчи Асмик Арутюнянц юқори кўрсаткичга эришди.

Ғолиблар имтиёзли равишда Ўзбекистон Давлат консерваториясига кириб ўқиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

## МУНОСИБ

## ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтини уюштирилган навбатдаги илмий анжуман «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси билан биргаликда ташкил этилди. Сихат-саломатлик йили дастури бўйича ўтказилган бу тадбирда жамғарма раиси Юсуф Шодиметов Атрофмухит соғлиги ва саломатлик тўғрисида гапириб берди.

Шу йўналишда олий ўқув юртида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳам мамнуният билан тилга олинди. «Талабалар экологик отряди» фаолиятига ҳам яхши баҳо берилди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа жараёнлар самарадорлигини таъминлашга институт ректори, академик Турғунпўлат Даминов яқиндан бош қўшмоқда. Унинг бу саяёҳаракатларини тақдирлаб, унга «Экосан» жамғармасининг халқаро дипломи топширилди.

Шунингдек, бу борада фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ профессор-ўқитувчи ва талабаларга жамғарманинг совғалари берилди.

ЁШЛАР СЕВАН  
МАРКАЗ

Ҳинд маданий марказининг Тошкентда фаолият кўрсата бошлаганига ўн йил бўлди. Бу орада марказ томонидан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўйича белгиланган маданий тадбирлар ҳам яхши натижаларини бермоқда. Ҳинд маданияти, тили ва санъати билан таништириш мақсадида махсус гуруҳлар ташкил этилди.

Ушбу гуруҳларда ярим йил давомида ҳинд тили ўргатилаётди. Машғулотларда фаол қатнашган ёшларга сертификатлар берилди.

Ҳинд мусиқа санъатига қизиқувчи ёшлар учун ҳам қатор қўлайликлар мўҳайё қилинган. Ҳинд миллий ҷолғу асбобларини чалиш тўғрисида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Саодат ҚОСИМОВА,  
ЎЗМУ талабаси

## «Абитуриент» — 2005»

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР  
БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йилдан бошлаб тест синовлари жорий этилган эди. Ёшлар билимининг тез ва адолатли баҳолашда, олий ўқув юртига кириб ўқиш истигади бўлган иқтидорли йигит ва қизларни танлаб олишда бу усулнинг ҳар томонлама ҳолис ва адолатли мезон экани амалда ўз тасдиғини топди.

Юртобшамизнинг «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барча олий ўқув юртиларида абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш бошлаб юборилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида янги ўқув йили учун тест синовларини юқори савияда ўтказиш бўйича барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Бу борада жорий йилдаги янгиликлар нималардан иборат, тест саволлари жамғармасида қандай ўзгаришлар юз берди?

Маъмур марказ раҳбари, техника фанлари доктори Баҳром ИСМОИЛОВ бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарорига биноан бу йил бақалаврлар тайёрлаш бўйича жами 51 минг 175 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Уларнинг 19 минг 975 нафари давлат гранти ва 31 минг 200 нафари тўлов-контракт асосида билим олади.

Магистрлар тайёрлаш бўйича 6 минг 200 киши қабул қилинади, уларнинг 1 минг 500 нафари давлат гранти ва 4 минг 700 нафари эса тўлов-контракти бўйича ўқийди. Олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларга қабул квотаси 5 минг 65 нафар этиб белгиланган, болалар спорт мураббийларидан бақалаврлар тайёрлаш билан қўшиб ҳисоблаганда бу кўрсаткич давлат гранти бўйича 1265 нафари, тўлов-контракти бўйича эса 3800 нафари ташкил этилади.

Тест марказида қабул жараёнини белгиланган тартибда ўтказиш учун олий таълим муассасалари қабул комиссиялари билан ўзаро ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, қабул комиссияларининг маъсۇл қотиблари билан қабул жараёнини юқори савияда ташкил этишга оид амалий ўқув-семинарлари ўтказилди. Унда юртимиздаги барча олий таълим муассасалари, уларнинг факультетлари, филиаллари вакиллари иштирок этди.

Шуни айтиш жоизки, тест саволларининг мазмунини умумий ўрта мактаб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида берилган билимлардан иборат бўлиб, амалиётга таътиб этилган Дав-

лат таълим стандартлари доирасида ишлаб чиқилган. Бу саволлар одатда ҳар йили янгиланиб, махсус экспертизадан ўтказиб борилади.

Ҳозирда ёшларга республикамиз олий ўқув юртилари ҳақида тўлиқ маълумот бериш мақсадида ўз электрон сайтиини /WWW.test.uz/ бор. Унда абитуриентларга еслатма, олий ўқув юртиларнинг рўйхати, манзили, телефонлари, барча йўналишлар ҳақида маълумотлар мавжуд. 1 июлдан эса ҳар кун олий ўқув юртилари абитуриентлардан йўналишлар бўйича келиб тушётган ҳужжатлар сон билан танишиш мумкин бўлади.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам мамлакатимиз олий ўқув юртиларида тест синовлари 1 август кунини бўлиб ўтади. Айни пайтда фанлар блоки ва уларни баҳолаш тартиби ўзгармаганини еслатмоқчиман. Яна бир жиҳати шуки, лотин алифбосида таълим олган абитуриентлар учун барча тўлдирилладиган ҳужжатлар, титул арақалари, тест топшириқлари лотин алифбосида берилади.

— Юртобшамиз ташаббуси билан мамлакатимизда таълим олиш истигадидаги ҳарбий ёшларимиз учун муайян имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётди. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Юртобшамизнинг шу йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ ҳарбий таълим муассасаларига курсантлар қабул қилиш учун тест синовлари ўтказилиши мuddатларига ҳам ўзгари-

ришлар киритилди.

Ҳумладан, тест синовлари ҳарбий олий таълим муассасалари учун 10 июль кунини ўтказилиб, таълим муассасаларига курсантлар ва тинловчилар қабули 15 июль кунини амалга оширилади. Ҳарбий олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, тест синовларидан ўта олмаганларга кейинчалик бошқа олий таълим даргоҳига қайта ҳужжат топшириш имконияти яратилган. Айни пайтда ҳарбий қисмининг махсус тавсияномасига эга бўлганларга тест синовларида тўпганини мумкин бўлган энг юқори баллнинг ўн фоизини, йигирма фоизини олиш имтиёзи ҳам берилган.

— Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотларга уланган эътибор берилиш бораберида янги йўналишдаги олий ўқув юртилари ҳамда ихтисосликлар ташкил этилаётганининг боиси нимада?

— Гап шундаки, жамият тараққиётининг маълум бир босқичида у ёки бу янги ихтисосликка эҳтиёж туғилди. Масалан, ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимизда ахборот технологиялари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд, Урганч, Фарғона, Нукус, Қарши шаҳарларида филиаллари ташкил этилди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтинида Кўнғирот сода заводи учун ҳам махсус сиртки бўлим очилди. Ушбу йўналиш бўйича мутахассислар гоят зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бу махсус сиртки бўлимига истисно тарзида 65 давлат грантига тест-синовларисиз талабалар қабул қилинади.

Бу йил магистрлар тайёрлашни қучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу соҳа учун ўтган йилги қабулга нисбатан бу йил саккиз юз ўрин кўп ажратилган. Яна бир янгилик Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида умумий қабул квотаси 60 кишидан иборат икки йиллик махсус олий журналистика курси ҳам очилмоқда. Унга бошқа йўналишлар бўйича бақалавр даражасига эга бўлиб, журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини намойён этаётган мутахассислар танлов асосида қабул қилинади.

Бир сўз билан айтганда, билимга чанқоқ йигит ва қизларимиз учун ҳаяжонли дамлар яқинлашмоқда. Тест синовлари улар орасидан энг иқтидорли ва қобилиятлиларни адолатли тарзда саралаб олиш имконини беради.

ЎЗА мухбири  
Назокат УСМОНОВА сўхбатлашди.

Прокуратура органлари ходимлари ўз ваколатлари доирасида мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилишдек вазифаларни сидқидилдан адо этиб келаяптирлар. Бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисобига кўз ташлаб бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Республика бўйича фақат ўтган йил мобайнида прокуратура органлари қонунлар ижросини 10241 марта текширилган бўлсалар, шундан ноқонуний ақтлар, буйруқларни бекор этиш бўйича 10589 та протест киритилган. Шунингдек текширишлар натижаси бўйича аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, унинг олдини олиш юзасидан 16589 та тақдимномалар берилган, 24486 та оғоҳнома, 41464 та қарорлар чиқарилган. Прокурорларнинг қарорлари юзасидан қўллаб мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилганлар. Прокурорлар ўз фаолиятларини амалга ошириб текширишлар давомида аниқлаган зарарларни ундириш чораларини қўришлари натижасида 1,3 миллиард сўм зарар ихтиёрий равишда қонунбузарликлар томонидан қопланган. Шу билан бирга фуқаролик судларига 1,5 миллиард сўмин ундириш ҳақида 26945 та, ҳўжалик судларига эса 3,2 миллиард сўмин ундириш учун 1743 та даъво аризалари киритилганлар. Ушбу маълумотларнинг ўзигина прокуратура органлари фақат биргина йўналиш бўйича мамлакатда қонунийликни мустақамлаш йўлида

қанчалик самарали фаолият олиб бораётганини тасаввур этиш учун етарли.

Ҳаммага аёнки прокурорлар у ёки бу қонуннинг ижро этилишини текширишда уни режаларига киритадилар, шунингдек юқори ту-

сусда «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида баён этилган. Унга қўра «Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокурату-

Жавобгарлик «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган талабларни бажаришдан бўйин товланда ифодаланган прокурорнинг қонуний фаолиятига тўққинлик қилиш, худди шунингдек, прокурор фикри билдирилган ҳужжатларни қўриб чиқмаслик ёки уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек, прокурорнинг қай-риқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлма-син бирон-бир таъсир кўрсатганда келиб чиқади.

Прокурор қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан уни қабул қилган органга ёки юқори туровчи органга бу ҳўж-жати бекор қилиш масаласини қўйиб протест киритиши хусусида тўхталсак бу протестларнинг аксарияти ўз вақтида қўрилмоқда ва қабул қилинган ҳўжжатлар қонунга мувофиқлаштирилмоқда. Киритилган протест шу ҳўжжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори туровчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилса, шунингдек протест қонунда белгиланган (10 кун) мuddат ичида қўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳўжжатни қайри-қонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Суд эса протестда кўрсатилган асосларга қўра ноқонуний деб топилиш лозим бўлган ҳўжжатни бекор қилади ёки қонунга мувофиқлаштиради.

Прокуратура органлари ўзларига юқлатилган вазифаларни адо этишда ана шундай қонуний ваколатлардан фойдаланиб фаолиятларини амалга ошириб, мамлакатда қонунийликни таъминлаш учун барча чораларни қўрмоқдалар.

Фахри РАХИМОВ,  
юридик фанлари доктори

## Ислохотлар оқинида

## ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Маълумки прокурорларнинг назорат йўналишлари қўла-ми жуда ҳам кенг, шу билан бирга қонун прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берган.

.....

рувчи прокурорларнинг топширигидан келиб чиқиб ташкил этади ва ҳар бир текширишга пухта тайёргарлик қўради. Энг аввало текшириш лозим бўлган қонунни, унга дахлдор норматив, идоравий ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўрганади. Мутахассисларни жалб этиб текшириш режасини тузади, уларнинг иштирокида текшириш ўтказиб у ёки бу ташкилот, корхона, муассасасида қонунга риоя этилиши қандай ахволда эканини аниқлайди. Прокурорлар аниқланган қонунбузарлиқларнинг кейинчалик содир этилмаслигининг олдини олиш, уларни келтириб чиқарган сабаб ва шартлолларни бартараф этиш, ноқонуний қарорларни, буйруқларни бекор қилиш учун тегишли прокурорлик таъсир чораларини қўллайдилар.

Прокурор назорати ҳужжатлари қонунга қўра протест тақдимнома, қарор, ариза ва оғоҳлантирув тарзида бўлади.

Прокурор талабларининг бажарилиши мажбурий бўлиб, бу ҳу-

рага келиш ва аниқланган қонунбузарлиқлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарлиқларни, уларга имконияти яратаетган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир». Прокурорларнинг қонуний ваколатлари доирасидаги талаблари барча ҳолларда бажарилади. Лекин айрим ҳолларда прокурорларнинг талаблари бажарилмаганда қонун бунга йўл қўйган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлигини белгилаб қўйган.

Шуни таъкидлаш лозимки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-моддасида прокурорнинг талабларини бажармаслик учунгина эмас, балки унинг қонуний фаолиятига тўққинлик қилганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Барака топкур бу мексикаликлар ҳўп сериал ишлашга уста эканда, дейсиз жahl билан. Битта сериални икки ил чўзиб кўйишди. Яна сериаллардаги асосий мавзу севги, мухаббат, хиёнат, бе-хаёлик... Беихтиёр уйга то-либ чўкур бир мулоҳаза қилиб кўрингчи. Бугунги кун-да ҳақиқатан ҳам «ойна жа-хон» орқали намоиш қилинаётган хорижий сериаллар кўпайиб кет-маяптими-кан? Уларнинг кети узилмай бири тугар-туғамас ик-кинчи до-бўляпти. Мана айни кунда «ой-наи жахон»-ни кузатсан-гиз тўрт-бешта сери-ал олдинма-кетин ҳар бир каналда намоиш этилмоқда. Сир эмас,

«Ўқишларинг ё ишларинг қандай кетяпти?», «Эртага нима қилмоқчисан?», «Бўш вақтингда нималар билан шуғулланясан?» сингари саволлар билан ўғил-қизла-рининг юриш-туришидан, ўқишларидан хабардор бўлишса ёмон бўлмасди. Ахир умримиз, вақтимиз фойдасиз, бекорчи нарса-

ўйлайман. Тўғри, инкор эт-маймиз, бугунги кунда ёшларнинг кўпчилиги илм олишга, ҳунар эгаллашга ин-тилоқда. Янги ихтиролари билан, илмий изланишлари билан хорижга чиқишмоқда. Бу билан фахрланамиз ал-батта. Минг афсус, сериал-лар таъсирида улғаяётган ёшларимиз ҳам оз эмас.

Мен албатта юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда айтмоқ-чиманки, сери-алларнинг ҳам-масини ҳам ҳаёсиз, ахлоқ-сиз фильм-лардан иборат деб бўлмайди. Ҳақиқатан, бу сериалларни бирданига тўрт-бештаси-нинг намойиш этилиши нўй-рин, албатта. Шунингдек, улар орасида бизнинг одоб-ахлоқ меъёр-ларимизга тўғри келмай-диган беҳаё фильмларни



Айниқса ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ва маз-мунли ўтказишлари учун ша-хримизда фаолият юритаётган ўқувчилар ижодиёт марказла-рининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказида ёшларнинг қизи-қишлари бўйича турли соҳа-ларда тўғри олиб бо-рилмоқда.

— Ушбу таълим масканида бугунги кунда 4 мингга яқин бола қизиқишлари бўйича ўз со-ҳиятларини ошириш билан бир қаторда иход қилиш, изланиш, ихтиро қилиш, ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрга-нишга интилоқдалар, — дей-ди Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари Гулриза Абдуразо-вова. — Марказимизда турт-та бўлим мавжуд бўлиб, спорт-тех-ника-экология, услубиёт, ама-лий санъат ҳамда ҳунармандчи-лик бўлимларидан иборат. Маз-кур бўлимларда ёшлар ўзлари қизиққан йўналишлари бўйича малакали ўқитувчилардан сабоқ

олишмоқда. Бу ерга Мирзо Улуғбек ва бошқа туманлардаги мактаб ўқувчилари, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб-интернат ўқувчилари ҳам аъзо бўлиб

Марказда ёшларга ҳунар ва билим беришда ўз касбининг моҳир усталари, тажрибали пе-дагоглар яқиндан кўмак беришмоқда. С.Имо-мова, С.Сейтмамбетова, Ш.Асранова, М.Тула-

Маънавият масканларида

## ФАРЗАНДАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Ёш авлодни Ватанга садоқатли, иймон-этиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳунар ва билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

ҳунар ва билим эгаллашади. Шунингдек, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳунар ва билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

ганова, Е.Туманова сингари малакали, хуш-муомала педагоглар шулар жумласидандир. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг қалбига она-Ватанга меҳр-мухаббат, садоқат туйғуларини камол топтириш мақсадида мар-казда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Марказимизда ҳар бир байрамларни «Ка-молот» ЕИХнинг туман бўлими, маҳалла ҳамда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорлик-да ўқувчилар билан биргаликда кенг нишон-лаймиз, — дейди марказнинг маънавий-маъ-

рифий ишлар бўйича услубиётчиси Ширмоной Асранова. — «Сен қонунни биласанми?», «Кўз маликаси», «Ибратли қиз», «Ўзбекистон қўшқ-байрами», «Соч — ярим ҳусн» ва Халқро Болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган бай-рам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан уч-рашувлар ўтказиш аънаъга айлانган. Шунинг ҳам таъкидлаш керак, марказимиз аъзолари бўлган иқтидорли ўқувчилардан бир нечтаси шаҳар ва республика бўйича ўтказилган кўрик-танловлар, кўшиқ байрамларида фаол ишти-рок этиб муносиб уринларни эгаллашмоқдалар. Шу билан бирга улар Японияда бўлиб ўтган халқро танловда ҳам иштирок этишган. Мақ-садимиз — ёшларни ҳунар ва билим эгаллаш-га жалб этиш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб етиштиришлар учун до-имо камарбаста бўлиш, қўллаб-қувватлашдан иборат.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз камоли — юр-тимиз истиқболдир. Бугунги кунда ёш авлод-ни маънавияти ва маърифати қилиб тарбия-лаш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро маъ-навияти юксак бўлган элнинг келажиги буюк-дир.

Гулором ХАМИДОВА  
СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилар ижодиёт маркази фаолиятдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

# Маънавият — ақл кўзгуси



Янги нашрлар

## КИТОБ — НАМ САРЧАШМАСИ

Китоб билим сарчашмасидир. Унинг ҳар бир бетини варақлаб ўқир экансан онг ва тафаккур-нинг ойдинлашиб, руҳинг енгиллашиб бораверади. Негаки, китоблар оламга шўнғиган инсон борлиқининг бутун ҳарорат тафтини, изғиринли аёзлари, яхши-ю, ёмонини бирдай англашга ҳаракат қилади. Чунки китоб бу — офтоб, офтоб эса заррин нурларини оламга доимо бир хилда беминнат таратади.

Бугун биз одамларга эзгулик зиёсини таратаётган «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик ком-паниясининг бош тахририяти томо-нидан чоп этилаётган китоблар би-лан қизиқдик.

Мазкур нашриёт ўтган йилнинг ўзидаёқ уч ярим миллион нусхада, дарсликлар, юзга яқин турли хил бадиий китоблар чоп этди. Нашри-ёт қўлида болалар ва катталар учун бадиий адабиёт бўлими, бадиий бе-зак бўлими, ўқув ва оммавий-илмий-адабий бўлим, китоб но-ширлик бўлими ва корректура бўлимлари мавжуд.

— Бизнинг бошқа нашриётлар-дан фарқи томонимиз шундаки, — дейди болалар ва катталар бадиий адабиёти бўлими бошлиғи Эркин Малик, — асосий эътибори матба-ага қаратдик. Мустақиллик йилла-ридаёқ XX аср ёзувчиларининг ба-диий асарларини чоп эта бошладик. «Болалар кутубхонаси» туркумида жаҳон халқ эртаклари, ўзбек халқ эртаклари, «Ўқимлар кутубхонаси» туркумида Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», «Алпомиш» достони, жаҳон



саргузаштлари адабиёти туркумида Марк Твен, Жюль Верн, «Богчага — дўмбоқчага» туркумида эса, бир қанча қизиқарли асарлар чоп этил-ди. Асосийси бозор иқтисоди ша-роитига мослаштирилган бадиий китоблар нашр қилинмоқдаки, бу бугунги кун талабига жавоб бериб, ўз муҳлисларини топмоқда, яна шу-нисни ҳодимларини учун қўлайки, босмаҳонамиз ёнгинамизда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Шарк» нашриёт-матбаа акциядор-лик компаниясида мингдан зиёд малакали ишчи ҳодимлар ишлай-ди. Шунингдек, унинг қўлида «Шарк зиёкори» сингари китоб сав-до дўконлари наинки пойтахтимиз-да, балки республикамизнинг де-ярли барча вилоятларида ҳам фа-олият юритиб, маърифат нуруни та-ратмоқда.

— Қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда қамчилиқари-миз ҳам йўқ эмас, — дейди биз би-лан суҳбатда тахририят бош муҳ-рири Аҳрор Аҳмедов. — Негаки бо-ларимиз учун кўнглидагидек ба-дий китоблар чоп этилмаяпти

Дўппиларнинг хилма-хилли-ги-қуббасимон, тўртбурчак, ду-ма-лок, гўмбазсимон шакллари, уларга тикилган кашталарнинг бе-закалари, бойлиги баъзан тур-симон, баъзан йирик релье-фи (бўрттириб солинган сурат), баъзан гиламга ўхшаш тус оли-ши, одми оқ-қорадан тортиб, камалаксимон жилланишигача рангларининг анвоий товланиши ўзбек бой кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади.

Дўппилар-нинг устки қисми ва жияги гулзор геометрик на-қшлар билан ях-лит тағдўзига го-ҳида тўғарақлар, гоҳида гул шоҳ-лари шаклида тикилади. «Чуст дўппи», «Ироқи дўппи», «Гилам дўппи», «Чакма тур», «Пилтадў-зи», «Зардўппи», «Кўкдўппи», «Наманган дўпписи», «Анди-жон дўпписи», «Фарғона дўппи-си» деб аталган дўппилар мил-лий бош кийим-нинг энг севи-ми турларидир. Бу дўппилар чи-ройли қилиб ти-килиши ҳамда гулнақшлари би-лан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, дўппи-ларнинг энг ма-шҳурларидан бири Чуст дўппи-си бўлиб, унинг қора тағлигича оқ ипақда «Калампир» нус-хаси саналади. Шуниси қизиқки бундай дўппи-ларнинг гули бири иккинчисидан қайтарилмай-ди. «Калампир» нусхасининг хар дом ранг-баранг усулда тики-либ келиши Чуст дўппилари учун ҳосидир. Чуст дўпписи маҳаллий аҳоли ўртасидагина машҳур бўлиб қолмай, хорижий мамла-катларда ҳам донг таратган. «Ги-лам дўппи»нинг усти ёппасига ти-килган жуда бой ва ёрқин бе-зака-ри билан турланган бўлади. Тошкентда тикилган дўппилар-да эса чиройли гулдастлар оқ фонга жойлаштирилади. Шаҳри-сабзнинг «Ироқи дўпписи» ўзи-нинг юксак бадиий хусусияти ва тикилиши жиҳатидан бу дўппи-лар орасида ажралиб туради.

Шаҳрисабзлик чеварлар «Са-нама», «Чизма», «Роҳат», «Қашқ-аргул», «Номозиомгул», «Гулто-жикўроз», «Тиллақош», «Шопар-чин», «Аноргул» нусхали дўппи-ларни жуда нафис ва гўзал қилиб тикканлар. Бухоронинг машҳур зардўпписи қимматбаҳо тошлар, марвариду дурлар, пистонларни бахмал, мовут ёки сатин иппар билан тикиб тайёрланади.

Қўпича бундай дўппиларда-ги нақш ва бе-закаларнинг мўл-ли-

олмасдан кетмаган. Тарихий манбаларда, хусу-сан «Таржимон» газетасининг 1899 йил 10-сонидан «Урта Осиё» (Ўзбекистон)да тайёр-ланган чиройли, нафис ва ранг-баранг дўппилар 1873 йили Вена шаҳрида, 1882 йили Москвада, 1883 йили Амстердам шаҳрида жаҳон кўргазмасида, 1889 йили Па-риж, 1896 йили Нижний Нов-город кўргаз-маларида на-мойиш этилиб, бир неча ол-тин, қумуш ва бронза ни-шонлари, Фах-рий ёрлик ва дипломлар билан тақдир-ланганлиги қайд этилган. Кейинги йил-ларда ҳам Ўзбекистон-нинг машҳур дўппилари 1939 йили Па-рижда, Нью-Йоркда, 1960 йилларда Тур-кия, Покистон, Канада, 1970-1990 йилларда Фран-ция, Бельгия, Япо-ния, Германия, Швейцария, Югославия давлатларида ташкил этил-ган халқро кўргазмаларда намоиш эти-либ, юксак ба-ҳо-ланди. Мус-тақиллик йил-ларида рес-публикамиз халқ амалий санъатининг шу жумладан каштадўзлик, дўппидўзлик,

Қадриятлариниз

## ДЎППИ — МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Дўппидўзлик Ўзбекистонда халқ амалий бадиий санъа-тининг энг қадимий ва кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, каштачилик санъатининг энг оммавий тури ҳамдир. Дўппилар ўзбек миллий либосининг ажралмас бўлагидир ва шу билан бирга миллий санъатнинг ҳақиқий асаридир. Дўппи ўзбек миллий бош кийими бўлиб, бу ҳунар халқи-миз орасида Андижон, Қўқон, Бухоро, Бойсун, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Чуст дўппилари кенг тарқалган. Бу дўппилар ўзининг тикилиши ва бе-заги билан бир-бири-дан фарқ қилади.



гидан таг асосдаги газлама ран-ги кўринмай кетади.

Жанубга хос бўлган бу дўппи нусхаси ҳозирги пайтда Самарқ-анд ва Бухорода, Душанбе ва Помирга қадар кенг тарқалган. Қизиларимиз бошида ёқудек ёниб, товланиб турручи «Наврўз», «Равно», «Мажнунгол», «Гулноз» каби машҳур дўппилар бухоролик чеварлар маҳсулидир. Шаҳрисабз «Ироқи» XIX ас-рининг 30-50 йилларида кўпчи-лиқнинг диққатини ўзига тор-ган.

Ўзбекистонга ташриф буюр-ган ҳар бир хорижлик меҳмон, сайёҳ албатта ўзбек дўпписини

нинг янги шакл ва янги маз-мун билан ривожланишга кенг имкониятлар яратилди. Тайёрланган буюмлар миллий ифтихоримиз ҳисобланган гўзал ва сернақш дўппилари-миз жаҳоннинг йирик давлат-ларида ташкил этилган кўргазмаларда мунтазам на-мойиш этилиб, юксак баҳо-да тақдирланиб келмоқда.

Ўзбек дўппилари ўзининг ба-диий хусусиятлари билан бундан буюн ҳам қишларни айниқса хорижлик меҳмонлар ва сайёҳ-ларни ром этишга шубҳа йўқ.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Мушоҳада

## СЕРИАЛЛАР ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИМИ?

ЁХУД БУНДАЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ ЁШЛАРГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

Ишдан, ўқишдан ҳориб-чарчаб уйга қайтгач, кечки пайт албатта оила даврасида «ойнаи жахон» қаршисига ўтирамыз. Қани, бугун оламда нима гап, деган уйда ян-гилликлардан воқиф бўламиз. Кейин пулътни босиб бо-шқа каналга ўтамиз. Бу каналда муҳлислар интизорлик билан кутаётган «Мухаббат моҳароси», бошқасига ола-миз ие, яна эски сериал бошланибди. Ҳа, бу «Монера Клара». Энди бошқа канални кўрайликчи... Во ажабо бу-нисида «Эсмералда» намоиш этиляпти. Қўл силтаган-ча қизиқ кетасиз. Бир айланиб келиб яна «ойнаи жахон» қаршисига ўтирасиз. Бу вақтда «Бегона» сериали намои-ш этилаётган бўлади.

ларга сарф бўлмаяптими?

Бугунги кунда ёшлар тар-бияси долзарб масалалар-дан биридир. Маълумки, баъзи ёшлар илм-ҳунар ўрнига кутулишмайди. То уйкуга кетгунча у каналдан бу каналга ўтиб сериаллар-ни охирига етказишади. Ким билади дейсиз, баъзи-лар шунча сериални кўргач балки тушларида ҳам бу се-риал қаҳрамонларини кўриб, улар билан гаплашиб чи-қишса ажабмас. Қизиқ, ун-даги воқеаларни мушоҳада қилиб бир-бирига қоришти-риб юборишмасмикан? Ушбу сериаллардаги воқеа-лар бизнинг асрлар давоми-да сайқалланган келган ша-рқона, ўзбекона маданияти-мизга, ахлоқ меъёрлари-мизга тўғри келмайдими? Очиғини айтганда бу се-риаллар худди эртакка ўхшай-ди. Улар ҳаётларимиз учун эрмакдек бўлиб қолган десак адашмаймиз. Энг ачинарлиси, ёшларимиз-нинг катталар билан ёнма-ён ўтириб бундай беҳаё филь-мларни бемалол томоша қилишлари одатий ҳолга ай-ланиб қолганлигидир. Бу ҳам етмагандек фильмдаги воқеаларни, қаҳрамонлар-нинг кечинмаларини ёшлар катталар билан баравар му-лоҳаза, мушоҳада қилиша-ди. Ўйлаб кўрингчи, нахотки ҳаётимизнинг олтин дақиқа-ларини шундай бемаъни, олди-қочди сериалларни то-моша қилиш билан бекорга зое кетаётганлигини тушун-маётган бўлсак. Ахир ҳар бир оилада ўзига яраша турмуш муаммолари борку. Энг муҳими эса фарзандлар тарбияси. Кечки пайт оила аъзолари йиғилганда се-риаллардан муҳимроқ бўлган муаммоларни ҳал қилишса, ота-оналар фарзандларига эътибор бериб «Сен бугун қаерга бординг?» ёки

Дилбар МАҲМУДОВА,  
Ўзбекистонда ҳозир кўрсатган журналист:

— Очиғини айтиш керак, замон илдамлаб бораётгани сари халқимизнинг маъна-вияти, маданияти ҳам юкса-либ бормоқда. Ёшларимиз-нинг кийиниши, сўзлашиши, юриш-туришию, дунёқара-ши замонавийлашган. Уларнинг барчасида албат-та турли хил хориж фильм-лари, сериалларнинг ҳам таъсири бўлса керак, деб

умуман кўрсатиш керак эмас. «Ўзбекфильм» студи-яси томонидан ва бошқа ху-сусий студиялар томонидан суратга олинган фильмла-римиз ҳам оз эмаску. Шу би-лан бирга, бир қанча қизи-қарли, мазмунли спектакл-ларимиз ҳам мавжуд. Қола-верса, бугунги кундаги ҳаётимиздаги муаммоларни намоён этувчи «Кирк тоғора-нинг қирқ ногораси» синга-ри кўп қисмли видеофиль-мларни давоми намоиш этилса айни мақсадга муво-фиқ бўларди. Ахир ўзбек санъатининг довуғи етти иқлимга етган бир вақтда Мексика сериалларига му-ҳтожлигимиз йўқ деб ўйлай-ман.

Миррахмат МУҲАМЕ-ДОВ,  
Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласи оқсо-қоли:

— Албатта, «ойнаи жахон»-ни ҳам маънавият ўчоғи дей-иш мумкин. Уни кўрган ёш-у қари ниманидир ўрганган ёки мулоҳаза қилади. Мен кўпин-ча «Ахборот», «Давр», «Меҳр-кўзда», «Оталар сўзи - ақл-нинг кўзи» кўрсатувларини кўраман. Сериалларга келсак, мана бир неча йилдирки, Мек-сика, Бразилия сериаллари «ойнаи жахон»имиздан муқим ўрин эгаллади. Кекасо ёш уни кўришга ошқикди. Мен истар-димки, бундай фильмларнинг ўрнига ўзимизда ёш, иқти-дорли режиссёрлар, санъат-корлар томонидан халқимиз дардини, муаммоларини очиб берувчи қизиқарли фильм-лар, спектакллар тайёрлаб на-мойиш этиб борилса, бундай мазмунсиз сериаллардан ях-широқ чиқади деб ўйлайман. Бу сериалдаги одоб-ахлоқ, маданият, аънавалар бизнинг миллатимизга хос ва мос эмас албатта. Ёшларимиз улардан нимани ҳам ўрганади?

Дилором ИКРОВА

## Мамлакатлар

## одамлар

## одамлар

БУНИ КАНДАЙ  
ТУШУНИШ  
МУМКИН?

Бу гайриодатий белги Швейцариянинг Берн шаҳридаги таъмирланган биноларнинг бирида ўрнатилган. Уни қандай тушуниш мумкин? Базилар "Шиддат билан ишланг" дегани дейишса, бошқалар "Агар ишлангангиз шундай ҳолга тушасиз" деган маънони англатди, деб фикр юритишмоқда. Белги қандай маънони англатишдан қатъи назар шаҳарликлар ва уларнинг меҳмонлари диққатини жалб қилмоқда.

СЕВИШГАНЛАРГА  
КУЛАЙЛИКЛАР

Венесуэлладаги севишганлар ўзларининг хат-хабарларини юборишлари учун почта хизматига одатдан кўра камроқ пул тўлашади.

Бундай хатлар пушти ранг конвертларда юборилиши билан ажралиб туради. Бундай кулайликлардан бошқалар фойдаланмасликлари учун махсус хизматчилар ана шундай хатларни жуда диққат билан текширишади.

ОДАМЛАРНИ  
ЎЗИГА РОМ  
ЭТУВЧИ ФАНГИ

Фанги — жуда ақлли ва қувноқ дельфин. У Ирландия соҳилларидаги Дингл портига келувчи томошабинларнинг севилими овуноқидир.

У ўзининг ўйинқароқлиги билан сайёҳларни мафтун этиб қолмай, порт яқинида яшовчи аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлайди. Мазкур суратни таркатган Англиянинг Камерас-Пресс агентлиги хабарига кўра, Фангининг илтифоти билан дельфин ўз "спектаклларини" намоиш қиладиган ерга томошабинларни етказувчи кичкинагина яхта командасининг аъзолари ҳам ўзларига иш топишган. Шунинг ҳам айтиш керакки, Динглда дельфин билан катта бизнес ишлари олиб борилади. Мазкур бизнес Фанги тасвири туширилган майка, плакат, значок ва шунга ўхшаш совға-саломларни тайёрлаш билан боғлиқ.

УЧ КИТЪА  
БЎЙЛАБ ПИЁДА

Франциялик Рене Флино 17 минг 200 километр масофани пиёда босиб, уч китъани айланиб чиқди. У икки йил бурун Париждан йўлга чиқиб, Европа, Осиё йўллари бўйлаб юрди. У Япониядан кемага ўтириб, Америкага борди ва бутун АҚШни айланиб чиқди.

Нихоят, тарансатланмик лайнерда океанни сузиб ўтди ва Францияга етиб келди. Кейин Парижга эсон-омон қайтди. Флино босиб ўтган йўлнинг 2000 километри кумуликлардан иборат эди. У 5000 метр баландликдаги тоғларга чиққан. Шу билан бирга 55 даража иссиқдан 15 даража совуқча бўлган шароитда яшаган. Лекин шуниси қизиқки, Рене саёҳати давомида бирон марта ҳам касал бўлмаган ва бор-йўғи бир маротаба оёқ кийимини ўзгартирган.

Давоми. Боши газета-нинг ўтган сонларида.

Аммо, подшоҳзодага шунча илтифотлар кўргизган Амир Темур Кўрагоннинг ўзлари Боғи Наҳши жаҳонга бир марта ҳам қадам ранжида қилмадилар-ку! Тўхтамиш ўғлонини одам ўрнида кўрмаларди шекилли... Ул зот умуман чингизийларни писанд қилмадилар. Мана, Суюрғатмишхонни кўғирчоқдай тахтта ўтказиб қўйибдилар-ку! Унинг қўлида "хон" деган сўздан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ландавур "хон"нинг ўзи ҳам ўйламай-нетмай чингизийларга номуносив иш қилиб шунга рози бўлиб ўлтирибди... Тўхтамиш ўғлон ҳеч қачон қимларнингдир қўлида кўғирчоқ бўлмайдур, балки ҳаммасини кўғирчоқ қилиб ўйнатадур! Хали шундай ўйнатсуңки!.. Фақат қўлига тахт жило-ви тегсин! Унганча уларга ялиниб туришга, дардини ичига ютишга мажбур, мажбур... Бошқа пайтлар бўлганда-ку, Умаршайх Мирзодай калондимоғ амирзодаларга кучини кўрсатиб қўяр эди-я! Аммо ҳозир кучсиз, ожиз, ночор бир хонзода, на ёнида лашкар бордир, на тарқашиди ўқ... Амир Темур қошига паноҳ тилаб келишининг сабаби ҳам чорасизликдан, соҳибқирон билан "ота-бола" бўлиш ҳавасидан эмасдир. Асло!

Ота-бола бўлиш — Амир Темур олдида Тўхтамиш ўғлон ўзининг тобеълигини тан олиши, деганидир. "Ота" — давлат эгаси, "бола" — унга бўйсунувчи ҳукмдор... Бу салтанатлар сиёсатидаги нозик нуқталардан бири. Бундай қилинса, буюк Чингизхон шаънига доғ бўлиб тушади. Тўхтамиш ўғлон асло бунини истамайду!.. Ҳозир унга куч керак, лашкар керак! Чўкаётган илонни ўшлар экан... Нафас ростлаш учун лозим бўлса, ғанимининг олдида бориш, ялиниб-ёлвориш, пойини ўпиш даркор, сабр-тоқат қилиш, чидаш даркор, чидаш!.. Ахир Амир Темурнинг ўзи ҳам бир пайтлар Мўғулстон хони. Тугулук Темурхоннинг олдида ана шундоқ юқунуб борган эди-ку! Кам бўлгани йўқ.

Умаршайх Мирзо подшоҳзода сўзларининг нечоғлиқ самимий эканлигини билиш ниятида Тўхтамиш ўғлон кўзаларини қидирди, лекин фақат эгилган бошини кўрди холос. Оқ Буга бахрин Тўхтамиш ўғлон қўлига ниманидир шивирларди.

Шу пайт мулозим кириб, ҳумоюн ўрдудан чопар келганлигини эълон қилди. Яқин сергакланди. Амир Темурнинг энг яқин мулозими Мухаммад Чурога додхоқ Боғи Наҳши жаҳоннинг меҳмонлар хонасига тантановор кириб келди-да, сўзларига залвор жойлашга ҳаракат қилиб, бундай деди: — Ҳумоюн ўрдудан қутлуг фармон содир бўлди! Фармонга кўра, подшоҳзода Тўхтамиш ўғлонга Утрор ва Саброн! вилотлари тақдим этилган! Унга зафарнишон лашкар, аскарларга тағор ва укалко, отларга улўфа ажратилган! Лашкарнинг мақбул соатда ўз вилотида йўл олмоғи зикр қилинишидур... Муборак бўлсун, подшоҳзода!

Унинг йўғон овози хонани тўлдиргандай бўлди.

Меҳмонхонани қийқириқлар тутди. — Муборак бўлсун! — қутлади Амир Сулаймоншоҳ.

— Қутлуг бўлсун! — қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жокун...

Умаршайх Мирзодан бошқа барча подшоҳзода ни муборакбод этишга шошилди.

Алибек кўнғирот барқ мисоли олий фармоннинг ўз вақтида етиб келганига шукрлар қилди, азбаройи қувонганидан қарсақ чалиб юборганини билмай қолди. Оқ Буга бахрин ҳам, Урунқ Темур ҳам, Мухаммад Мирак ва бошқалар ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг бахти очилганлигини, Аллох унга бемисл илтифот кўргизганлигини эътироф этар эдилар.

Халитдан бери ерга қараб ўтирган Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди. Умаршайх Мирзо аниқ кўрди: бу, боғи подшоҳзода эмас, мутлақо бошқа одам эди! Подшоҳзода мамнулигини яширмас, тиник юзларига табассум ёйилган, ёрқин кўзалари аллақандай умиддан қачнаб ёнади! Чиндан ҳам, Тўйхўжа ўғлон фарзанди худди ана шу фармонни қутарди! У тезроқ бодо юрти

5 Ёттор, Саброн — Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар.

6 Тағор ва укалко — тағор — лашкар учун овқат; укалко — аскарларга бериладиган пул — инъом.

Дашти Қипчоққа қайтгиси, отасининг умрига завол бўлган ўшал Ўрусхон билан яхшилаб ҳисоблашиб қўйгиси келар, қаттиқ алам ўчи бутун вужудини қуйдириб, ёндириб қул қилмоқча шай эди. Шу важдан бўлса керак, еган-ичгани ҳам ичига тушмас, шохона базми жамшид ҳам татимасди. Амир Темур Кўрагондан шитоб қўшин олса-ю, қаттол баттол ёғийлари томон ўқдай елсал!.. Бало-қазадай бостириб борса, саваш курсса, мўрмалаҳдай қирса, яна қирсал!.. Ўрусхонни кунфаяқун қилиб тахтини қўлга киритиб олсин, у ёғини ўзи биллади...

Тўхтамиш ўғлон шарт ўрнидан туриб шитоб борди-да, таъзим қилганча Мухаммад Чурога додхоқ қўлидан қутлуг фармонни олди ва азизлаб тавоф этди.

Сўнг Умаршайх Мирзога қараб деди: — Амирзодам, Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг олий ҳимматлари шунчалар улўғ эканки, уларни мақтамоқ кундузидан дегаддек сўз бўлур! Тоғнинг тоғ эканлигига шубҳа бўлиши мумкинму? Асло!

## Ўзбек адаблари — "Оқшом" учун

Мухаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУҒ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ  
ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

Амир соҳибқироннинг умрлари узун, давлатлари зиёда бўлсун! Беадад яхшиликларини қайтариш учун ҳамиша бир жоним омода! Мендан қайтмаса худодан қайтгай! Ҳазратга фарзанд, сизга оға-ини бўлиб от суражакмен Дашти Қипчоқ томонларда! Саодатлари боқий бўлғай, амирзодам!..

Умаршайх Мирзо ишб ёш эгиз қўйди-ю жавоб қайтармади, унинг ёқимсиз ингичка овози ғашига тегди. Ажабо, шунча тухфа-ю инъомлар, сийловлар, Хонўғлондай дудул, — гапнинг очиги, амирзода ҳам бу отни жуда ёқтирарди, аммо бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга бир нима деган эмас, — дабдабали базми жамшидларга эътиборсиздай қараган подшоҳзода нега Утрор билан Сабронни тақдим этилиши, айниса зафарнишон қўшин берилиши ҳақидаги фармон ўқилганда беҳад хурсанд бўлиб кетди? Утрор Саброн ва қўшин ҳам юқоридагидек инъому ҳадяларга кирмайдирму? Унга нима керак эди ўзи? Тухфа-ю инъомлар заруриди ёки ёлғиз юрту қўшин, бошқача айтганда, куч-қудрат керакми эди холос?..

Бу ёғи амирзодага қоронғи қолди.

Қувончдан ўзини осмонда сезиб, фурсатни қўлдан беришини истамаган Тўхтамиш ўғлон қишининг ўрталари эканлигига қарамай, борғунимизча баҳор ҳам кириб қоларди, деган умидда Сабронга жўнашга қарор қилди. Бу миллодий 1376 йилда юз берди.

## III

Боғи Баланд меҳмонхонаси одатдагидек ишнам, озолишта... Самарқанд азалдан қаттиқ совуқлари билан машҳур эди. Қиш чиққаб бўлса ҳам хали сочбоғини йиғиштириб олмаган — таққарида қора совуқ изиллар, гоҳ-гоҳда қор ўқунлаб қўярди.

Бозиллаган танчага оёғини киритиб шохи кўрпага ўраниб ўлтирган соҳибқирон деразага тикилганча узок ҳаёлларга чўмганди... Паноҳ истаб келган Тўхтамиш ўғлон сабаб худди Жаҳонгир Мирзонини кўргандай бўлди. Худого шукр. Иккинчи томондан, уни кўлдан ташвишга солаётган нарсаси — мамлакат шимолдаги Жета ва Дашти Қипчоқ билан боғлиқ муаммолар ҳал қилиниб ҳисоб. Ҳа, соҳибқирон, чамаси, бунинг чорасини топди, сопини ўзидан чиқарди... Бас, энди у ёқларга бориб ҳам юрмайди, ҳаммасини ўғли Тўхтамиш ўғлон ўзи тинчилади, Жўжи улуси тахтини ҳам олади, Камариддин, Анқо Тўра сингари мурадлар ҳам гумдон бўладилар, икир-чикирларга тўла жанжаларга асло ўрин қолмайди, фақат Амир соҳибқирон вақтида йўл кўрсатиб, кенгашлар бериб, “ха-ха!” деб турса бас... Шундан кейин у мамлакат ободончилиги билан бемалол шуғуллана олади... Тўғри, қўнғилда, Тўхтамиш ўғлон беокбат чиқмасмикин, деган шубҳа ҳам бор, лекин унга қулоқ солишини истамайди...

Олдида кўк дафтарини қўйиб аланималариндир ёзаётган хос мунший Мавлоно Убайд ҳам ўз ҳаёллари ила банд бўлганча,

гоҳ ёнидаги жузводни титқилар, гоҳ рисоалардан бирини олиб варақлашга тушарди.

Соҳибқирон ўйлаб қараса, Самарқанд ҳақида унча-мунча билар экан, билмайми десад адолатдан бўлмайди... Самарқанд эли пок маъзаб, тамом сунний, расули ақрам, ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам замонларидан бери бу заминда машҳур офоқ имомлар, дин пешволари истикомат қилганлар. “Саҳиҳи Бухорий” соҳиби Хожа Исмоил Хартанг, Шайх Абумансур, Шайх Бурхониддин, Хожа қабрлари Хартангда, икки марғуб шайх хоки турбатлари шаҳарда, Чокардиза қабрис-тонидида...

Хайру саховат соҳибалари бўлган эғачи Қутлуг Турқон оқа билан малика Сароймулкхоним бу табаррук жойларда ўз ақчаларига хонақоҳлар қуришмоқда, қабрларини обод этишмоқда, барчасининг саови чекизди. Ҳаммасидан соҳибқироннинг хабари бор, бонуйи кўбро билан маҳди улёнинг шундай ниятларини билиб бағоят хурсанд бўлди, ҳатто ўзи қўллади ҳам... Қурилаётган иморатлар ҳазинадан эмас, хар кимнинг ўз ҳисобидан бўлиши белгилар қўйилганди. Айниса, амирзодалар ва маликалар, хонимлар ва оқалар бири-бири билан улғи олиб мамлакатнинг турли депараларида — кимдир мадраса, кимдир хонақоҳ, ра-

бот, кўприк, йўл ва ҳоказо қуриш ёки таъмирлаш билан шуғулланардилар...

Холисанилло айтганда, бунёдкорликка ҳавас салтанатда урф даражасига кўтарилган эди. Ҳатто Амир Темурнинг ўзи хали юрт бошига келишдан хийла муқаддам амирлардан бири рутбасида юрган чоғидек миллодий 1362 йилда Қарши қалъаси деворини тиклатганини эслади. Чунки у “экаман-тикаман” деган халқнинг боласида. Ўшанда ҳам мана шундоқ қиш фасли эди...

— Валлоҳи аълам биссавоб, — бирдан ўртадаги жимликни бузди Мавлоно Убайд ҳашиша қулиб турадиган қисқ қўзларини соҳибқиронга тикиб. — Мазъур туттайлар, Самарқанди Фирдавсмонанд тарихидан сўрагон эрдилар-да...

— Сўрагон эрдим...

— Камина дабдурустдан жавоб бера олмай лол қолиб мулазмилдан бошқа чора тополмадим, Амир соҳибқирон... Ижозат берсалар...

— Ижозат берилур! Самарқанд тарихи борасида тузукроқ билимимиз йўқ-да... — тан олиб деди соҳибқирон. — Кўп нарсани билигимиз келадур...

— Ташаккур... Мўътабар шаҳримиз бешинчи иккимдан ҳисобланур. Шаҳарнинг бошидан кўп савдолар ўтгон, Амир соҳибқирон, сўзланса узок вақт лозим бўлур. Инчунин, мухтасар қилурмен. Унинг атилиши ҳақида шундай ривоят бор. Самарқанд “Самаркент” сўзининг арабчаланган-нидур, Самар қишлоғи маъносини беради. Самар — турк хонларидан бировининг исми, бу қишлоқни ул зот жуда қадим замонда барпо қилгон экан... “Тарихи Табарий” китобида ҳам келтирилибдурки, Самар отлик бир хон ушбу шаҳарни бино қилдирибди, энг аввал “қанд” деган турк аймоғи бунда ўрнашиб ўлтирибди, шунинг учун шаҳар “Самарқанд” аталибди... — “Тарихи Табарий”да шундоқ ёзилганму?..

— Шундоқ ёзилган, Амир соҳибқирон! Сўнг турк подшоҳи Афросиёб, яъни Алп Эртўнга пойтахти бўлгон... Искандар Зулқарнайн шаҳарни забт этиб, унинг деворини тиклагон. Сўғдиёна пойтахти бўлгон. Рисоаларда “Девори қиёмат” қабилида зикр этилмишдур. Жанубий девори “Девори қўндаланг” деб аталмиш... Шаҳар ташада, Навбогда Қўтайба ибн Муслим бир ҳовуз қаздирибдур. Олти юз йиллар муқаддам шаҳримизда биринчи масжид бино этилгон, бу Ҳазрати Хизр масжиди бўлгон, Қўк мачит ҳам дерлар. Нақл бор, кимки қирқ душанбани бир-бирига улаштириб шу масжидда намоз ўқуса, Хизр алайҳиссаломни кўрар эмиш... Афсуслар бўлсинки, Чингизхон босқинида шаҳар қарабога айланибдур, ўрнида қултепалар қолибдур... Валлоҳи аълам биссавоб.

Давоми келгуси сонда.

# Ойла даврасида

сўхбатлар

## НАҚАДАР ГЎЗАЛСАН, ОНА-ТАБИАТ!

Хар фаслнинг ўз хислати, ўз фазилати бор. Кўз тўқин-сочинлиги, қиш зумрад кўриниши, баҳор ёшариш ва яратиш зами, ёз эса ўз жазираси, дам олиш фасли эканлиги билан ажралиб туради.

Ҳозир ўлкамизда ёз. Иссиқ ҳарорат ҳукмрон. У одамларни соя-салқин масканларга чорлайди. Шунинг учун бўлса керак, кундузлари кўчаларда одамлар сийрак, кўнчилик дам олишда.

Бугун юртимизнинг баҳаво жойлари, салқин тоғ ёнбағирлари, қир, адирларидан жилдираб тушаётган сойлиқлар бўйидаги болалар ва катталар оромгоҳлари гавжум ва сершовқин.

Бугун айниқса болажонларнинг қувончи кечис. Улар ўзларининг севишли гўшаларида мириқиб ҳордик чикаришяпти, турли спорт анжомлари билан безатилган хоналар ва муздек сув ҳавзаларини эртадан кечгача тарқ этишмаяпти.

Бугун ота-оналар, катта ёшли кексалар ҳам сайру саёҳат истаб қолишган. Улар хар шанба ва дам олиш кунларини унумли ўтказиш учун узок-яқин атрофдаги оромгоҳларга йўл олишади. Айниқса, Хумсон, Бурчмулла, Кумушкон, Паркентдаги сўлим масканлар улар билан обод бўлиб кетади. Агар сиз шанба ёки дам олиш тонгида Бўстонлик, Паркент томон олиб боруни йўлларни кузатсангиз сайилгоҳлар томон ошқиб турна қатор бораётган машиналар ҳаракатининг гувоҳи бўласиз. Улар текис ва раво йўллардан куш мисол учиб боришади. Техникалар рулини бошқариб бораётган ҳайдовчилар ва уларга ҳамроҳ бўлганларнинг очик чехра, хуш кайфиятини кўриб дилингиз яйрайди. Шу қувноқ чехралар билан бирга бўлганингиз, бир пиёла чой устида шўхшодон сўхбатлашганингиз келади.

Катта йўлнинг икки четидаги боғлар ва тоқзорлар, мевали дарахтларга қараб кўзингиз яшнайди. Бу неъматлар ўзбекистонимизнинг чинакам зийнати, дастурхонимиз кўрки. Уларсиз рўзгоримизнинг фазл-баракаси бўлмайди. Бу йил айниқса кутлуғ келди, мева йили бўлди. Бугун боғларда гарқ пишиб етилган анвоий неъматлар мўлғилидан дарахтлар шохлари ер бағирлаб турибди. Соҳибкорлар улар парварши билан банд. Донасини увол қилмасдан шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилиш иштиёқида тер тўкишяпти.

Шундай дамда беихтиёр дилингизда бир истак пайдо бўлади. Қани энди, моҳир мўйқалам устаси бўлсаму, она юртининг ана шу бекиёс гўзаллигини рангли бўёқларда ҳаққоний тасвирлаб берсам, дейсан. Лекин наноҳ, ҳамма ҳам бу ишини улдасидан чиқармайдими. Орузли нигоҳ билан яшил табиат ранг-баранг жилосига, сервискор тоғларнинг мафтункор кўринишига тикила туриб лабларингизда беихтиёр «Нақадар гўзалсан, она-табиат!» деган сўзлар такрор-такрор ўз аксини топади.

Махмуд ОРИПОВ

### Санъат

## «ГАМЛЕТ» — ЁШЛАР СТУДИЯСИ САҲНАСИДА

Машҳур инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Гамлет» пьесаси жаҳондаги кўпгина театрлар томонидан саҳналаштирилган. Бу кенг оммалашган асар ўзбек томошабинига ҳам яхши таниш.

Тошкентдаги «Илхом» театри ёшлар студияси ҳам бу асарга мурожаат қилиб, унинг саҳнавий талқинини амалга оширди. «Гамлет ва бошқалар» деб номланган мазкур постановка театр ҳузурида драма санъати мактаби янги ташкил топган ёшлар студиясининг бу йил саҳнага олиб чиққан наватдаги иккинчи спектакли бўлиб, уни томошабинлар яхши кутиб олишди.

## САНЪАТКОРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ГАСТРОЛЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг етакчи солисти, Ўзбекистон халқ артисти Муассар Раззокованинг россиялик машҳур хонандалар Елена Образцова, Зураб Соткилава билан ижодий ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилмоқда.

Ўзбек хушбўвот санъаткорининг Франция пойтахти Парижга қиладиган ижодий сафарини ҳам бу опера ижрочилари ҳамроҳлигида концертлар ташкил этилади. Машҳур композитор Жорж Бизе ижодида бағишлаб уюштирилган концерт давомида ҳар уччала артистлар унинг операларидан арияларни қўйлашади.

Америка бўйлаб уюштирилаётган гастролда эса Муассар Раззокова корейлик таниқли санъаткор Хонг Кинг билан ҳам концертлар беради.

Ақбар АЛИЕВ

## ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГҮСИ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, халқимиз ўз тилига, ўз динига эга бўлди, миллий гуруримиз, кадриятларимиз тикланди. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, нутқ маданияти ҳамма вақт миллий ва миллатлараро катта ўрин эгаллаб келган.

Тил — халқ, миллат руҳининг бетакрор кўзгусидир. Хар бир тилда шу тил эгаси бўлган миллатнинг маданияти, руҳияти акс этади. Ўз она тилидан бошқа тилни ўрганиш бу дунёни ўз тилидагидан ҳам яна бошқа бир тарзда кўришга одатланишдир. Ўзбек халқи маданий-маърифий ҳаётининг барча соҳаларида бўлган каби тил соҳасида ҳам миллий руҳни, миллий имкониятларни тиклаш ҳаракати кучайди.

Чет тилини ўрганиш — бу аввало, ўқувчилар учун руҳий алоқа ва ахборот қабул қилиш воситасидир. Тилдан фойдаланиш қобилиятини ўстириш жараёнидир. Чет тилини ўқиш ҳозирги кунда халқ таълими тизимининг энг долзарб вазифаларидан бирига айланб қолди. Тилни билиш учун уни ўқиш, ўрганиш керак. Ўқиш, ўқиш жараёнини эса ўқув-методика комплексисиз амалга ошириб бўлмайди. Дарсликларда у қайси тилда ёзилганидан қатъи назар, шу тилда сўзлашув, халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзини акс эттиради. Тил ўрганиш жараёнида ўқувчи учун сўз бойлигининг аҳамияти катта, агар ўқувчининг сўз бойлиги кўп бўлса, у чет тилини она тилига таржима қилишга қийналмайди.

Она тилидан чет тилига таржима қилишда эса, сўз бойлиги билан бирга тилнинг грамматикасини билишнинг аҳамияти жуда катта. Ўқувчиларнинг малакасини ошириш учун эса, она тилидан чет тилига таржима қилишда доир машқулни қўлайтириш лозим. Машқулни баҳаришда сўз ёки гапни ёзишга, изоҳлаб беришга, мат-

ндан текширишга ўргатилади. Ўқувчининг диққатини, сўзларнинг ёзма шаклини кузатишга, ёзилишига қўрва ва эшитув сезгиси орқали ўзлаштириб беришга қаратилади.

Оғзаки нутқни ривожлантириш учун кундалик ҳаётни акс эттирувчи миллий урф-одатларимизни, халқимизнинг тарихини акс эттирувчи ҳикоялар, матнлар, эртақлар, тестлар, дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир.

Халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш болалар дунёси олдида қаҳрамоннинг ички оламига қизиқиш орқали инсон ҳис-туйғуларини очиб беради. Уларда яхшиликка рағбат ҳисси, ноҳақликни, ёмонликни ажрата билиш ҳисси шакллана боради.

Ўқувчиларга берилаётган ҳар бир билим, нафақат нутқ ўстиришга, шунингдек, ёшлар дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Билим бериш жараёнида ўқувчиларга бошқа миллат вакиллари билан муносабатда бўлганда, унинг миллати, урф-одатларини, маданиятини билиши, тушуниши ва ҳурмат қилиши зарурлиги тушунириб борилиши лозимдир.

Ёшлар билим мактабига қадам қўйиши биланқ, ўзига нотаниш бўлган сон-саноксиз сўзлар мажмуаси билан таниша бошлайди, унинг тили ва нутқни ривожлантириш бўйича барча имкониятларни ишга солиш, уларни билим, маданият, она Ватани учун хизмат қилишга ўргатиш ҳар бир ўқитувчининг шарафли бурчидир.

Шоҳида ЙЎЛДОШЕВА,  
ТДПУ магистранти.

Дунё бевафо! Лекин қачонлардир у садоқат деган буюк хислатга эга бўлган экан. Хўш, энди ўша вафо қаерда?

Қадим замонларда Бахту Саодат деган икки қадрдон дўст ўтган экан.

Уларнинг бу дўстлиги гига шайтон ҳам тан бериб, раҳна солган экан. Хатто, у ҳавас билан қараркан. Лекин бу меҳрин иблис эмас, балки инсон зотидан бўлган ҳасадгўйлар кўра олмас эканлар.

Бир кун ҳасадгўйларнинг бири Бахтга: «Сен кўп Саодатга ишонаверма, у сендан ҳамма нарсасини қизғанади. Ишонмасанг, уни синаш мақсадида бўйиндаги туморини сўраб кўр-чи, берармикин?» — дебди. Бунга жавобан Бахт таомнан ишонч билан: «Сен нима дейсан? Битта тумор нима бўлибди?! Саодат керак бўлса мендан жонини ҳам аямайди!» — деб Саодатнинг олдида шошилибди. У ҳеч нарса демасдан Саодатнинг энг қимматли, энг азиз Сауд туморини

тортиб олибди.

Афсуски, ҳасадгўй Саодатнинг кўнглига ҳам гўлгула солиб: «Эй, Саодат, қадрдон, ажралмас дўстинг Бахт ҳасад қилиб, сендан Сауд туморини тортиб олиб,

ҳали Саодат Бахтнинг садоқатини ҳис этмаган, уни яхши билмаган экан. Бахт ўзининг мақтанчоқлиги шунчалар қулфат келтирилганини кўтара олмади. Аччиғидан Сауд туморини бўйиндан олиб

ташлади. Тумор эса бу фалак олами-дан айлана-айлана сувга тушибди.

Булак-булак бўлиб кетибди. Келажак авлод ана шу парча-парча ерда асрлар давомида ҳаёт кечиришяпти. Бахту Саодат эса аразлашганларича ҳали ярашганларни йўқ.

Шунинг учун ҳам ер юзидан ўша афсоналардан қолган икки содиқ дўст — Бахту Саодат ҳақида кўп гапирилади. Лекин бу дунёда ҳеч қачон Бахту Саодатни тўлиқ туйиб бўлмайди.

Бир кам дунё. Фақат ана шу камчилиқни бир-биримизга пок ишонч, вафо билан тўлдирайлик. Қошки ана шунда Бахту Саодат ўзаро ярашиб, бизга ёр бўлар. Чин дўстимизга ишонайлик, вафодор бўлайлик!

СОБИР  
МАВСИМОВ.

Қаҳра

## ҲАҚИҚАТ

жами тахтга ўзи эришмоқчи», — деб айёронга алдаб қўйган экан.

Бахтнинг бу қилигини фитна таъсирида бошқача тушунган Саодат чунонан наъра тортиб, йиғлаб, бутун дунёни сувга тўлдирди.

Бахт дўстининг бу феълу атворидан эсанқираб қолибди. Чунки у ҳеч ҳам хиёнат қилмоқчи эмасди. У Сауд туморини дўстига бир оздан кейин қайтариб бермоқчи ва фақатгина ҳасадгўйга: «Мана, бизнинг ўзаро вафоимизни кўриб қўй!» — деб мақтанмоқчи эди, холос. Лекин Саодат уни тушунмади, хатто ўйлаб қўргани ҳам йўқ.

Бахт Саодатга буткул ишонарди. Минг афсус,

Назн

## СОФИНСАМ

Сени соғинсам ишмага боқай  
Кўксимга босайин қайси соғини.  
Ниманинг ифторин юракка жойлай  
Санаиман атайин қайси қояни.  
Рўҳимга озорлар етар соғинчдан  
Ҳаёлимга сочлари тўзиб кетмади  
Умиднинг ширгазан ҳақиқатидан  
Кўнгида дардларим сизиб кетмади.  
Юлдузга боқайми, кўзларим қўйсам  
Тўнға гадо тўртин тўтиб турайми  
Бўшмага ҳовучай соғинган нурдан

Сенинг зарранг йўқру бошга урайми?

Гоҳ ўзимга ўзим ётлик ўқийман  
Бир телбалик ёлбори дуня доддан  
Ўзим оилаларда дайидасам майли  
Сенинг омонлигинг сўраб худодан.  
Осмондан яшириб, юрак, ҳақиқатлар  
Оловдан беркиниб борар, дил ётиб  
Кўзларим қулиб турсада барибир —  
Сени излаётир жондан соғиниб.  
Дилбар СИДИҚОВА

Саҳифа материалларини Махмуджон КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Шарқ дурдоналари

## 03-03 Ўрганиб Домо бўлаёт...

Подшо деди:

— Эй вазир, ҳозир қўлимизда имконият борлигида бу балоладан қутулишимиз даркор. Чорасини топ!

Вазир ўйланиб туриб деди:

— Дарёнинг нариги бетида бир чангалзор бўлиб, доимо кўм-кўк бўлиб туради. У ерда ҳеч ким яшамайди. У ерга уста ва боғбонларни юборайлик, улар чиройли бинолар барпо қилишсин, атрофни боғ-роғларга айлантиришсин. У ерга яхши матолар ва бойликларни юборамиз. Сузувчи гулмолар ва кемаосозларга эса кема ясашиб бўямиз. Сенинг подшоҳлик муҳлатинг тугашидан олдинроқ мен у ерга бораман. Кема ва сузувчиларни юбориб, сени қутқариб оламани!

Эртасига халқ подшоҳни тутиб дарёга улоқтирдилар. Вазир томонидан тайёрлаб қўйилган гаввослар подшоҳни тутиб олиб, кемага чиқарадилар ва янги шаҳарга элтдилар. Подшо, вазир ва у ерга олиб борилган халқ оёсийишта ҳаёт кечира бошладилар.

ҲИКОЯТ. Бир фозил киши бир улуг одам билан доимо ҳамнафас садоқат русумини жойига қўйишдан бир дақиқани ҳам зое ўтказмас эди. Бир кун ундан сўради: «Фалон киши суҳбатининг таъсири сен учун қай даражада?» Деди: муҳаббат нуридир қўзда, ҳаёли доимо дилда, эрур жоним томоғимдан туролмай ишқдан бир дам.

● ХИКМАТ. Мингта дўст кам, битта душман кўпдир.

БАЙТ:  
Қўлингиз бор экан  
Токи имконинг,  
Бировнинг кўнглига  
Бермагин озор,  
Минглаб кишиларни  
Дўст тутмоқ яхши,  
Аммо битта душман  
Мингдан ҳам бисёр!

● Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қўл тортиш натижаси роҳат, эл молидан тама ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билишдан қочиш натижаси олий ҳулқдир.

Оғир меҳнатларга  
Йўлиқди ҳар ким,  
Тама кўзини тикди  
Дўсту душманга,  
Қилган тамасига  
Етмаса агар,  
Гина билан озор  
Берди кўп танга,  
Тамагининг умри  
Ғам билан ўтар,  
Оқибат дер бир  
Кун, эвоҳ аттанга!  
Ҳар кимса шод  
Ила хандон яшади,  
Бориға сабр этса,  
Бормайман—сенга!

● Адоватга дучор бўлмаг десанг, мол-дунёдан қўл юв, муҳаббат топаи десанг, яхшилик ва эҳсон қил!

Ҳар ким дунё учун  
урса агар чанг,  
Бало чанги уни  
айлади сарсон,  
Ҳар ким элга берса  
бойлигин агар,  
Барча балолардан  
бўлди соғ-омон.

## Футбол

## КУАЛА-ЛУМПУРДА АНЖУМАН

Кейинги йилларда минтақамизда ҳам миллионлар ўйини — футбол жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Буни Осиё мамлакатлари терма жамоаларининг жаҳоннинг кўпгина етакчи терма жамоаларига халқаро мусобақаларда муносиб қаршилик қилаётганликлари яққол исботлаб турибди.

Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳи Куала-Лумпур шаҳрида кўпмиз футбол уюшмаси икромия кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Қувонарли томони, ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон футбол федерациясининг вице-президенти Бахтиёр Раҳимов ҳамда етакчи мутахассис Алишер Муминов иштирок этишди. Унда Осиё футбол бўлими ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари атрофида муҳокама этилди.

## ЁШЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Миллионлар ўйинининг ривож боплар футболни таракқиётга бевосита боғлиқ. Бу борада мамлакатимизда ўзига хос ислохотлар амалга оширилаётганлиги қувонарли ҳол.

Остона шаҳрида ўсмирлар ўртасида «Лукойл» турнири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тажрибали мураббий Алексей Евстафеев етакчилиги қилаётган «Пактакор» футбол мактаби тарбияланувчилари барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб муҳим очколарни қўлга киритишди. Қўйида эътиборингизга «Пактакор» ҳамда рақиблари ўртасидаги беллашувлар натижасини эълон қиламиз. СДЮСШ — «Пактакор» — 1:2, «Иртиш» — «Пактакор» — 0:1, «Пактакор» — «Цейна» — 4:1, «Динамо» — «Пактакор» — 2:2. Хулоса қилиб айтганда рақибларидан бирор марта мағлубиятга учрамаган ёш «пактакор»чилар ўз гуруҳида 10 очко жамғариб голибликни қўлга киритишди ва кейинги босқичга йўл олишди.

## ЙИФИНЛАР ЯКУНИГА ЕТДИ

Эндilikда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини англиялик мутахассис Коллин Тоал бошқараётганлигидан мухлисларнинг хабарлари бор, албатта.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини халқаро мусобақаларга тайёрлаш мақсадида шахримизда навбатдаги ўқув-йиғин машғулотлари ташкиллаштирилди. Йиғин давомида ёшлар терма жамоаси олий лига вакиллари «Пактакор» ҳамда «Металлург» билан назорат учрашувлари уюштирилди. Ёшлар терма жамоаси аъзоларининг кўпчилиги «Пактакор» таркибиде ҳаракат қилиши сабабли «Пактакор» ва ёшлар терма жамоаси ўртасидаги учрашув мurosасиз курашларга бой, шиддатли кечди. Биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтган бўлсада, аммо тажрибали «пактакор»чилар ўйин тизгинини ўз қўлларига ола билиши ва беллашув 3:1 ҳисобида «Пактакор»га баъси билан яқунлади. Тўпларни дарвозаларга «Пактакор»дан Жатдоев, Уче (2 та), Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан Қозоқбоевлар йўллашди.

(Ўз мухбиримиз)

Бирок ана шу қийинчиликларни кимдир сабр-тоқат билан, шукр қилиб енгиб, ҳаётда ўз ўрнини топса, кимдир иродасизлик қилиб, мўмай бойлик орттириш мақсадида ўз ҳаёти ва келажагига бефарқ назар ташлаб, гиевандлик кўчасига кириб кетади.

Бугунги кунда гиевандликнинг аср вабоси дея аталатганлиги бежиз эмас, албатта.

Гиевандлик инсониятнинг ҳаётига, жамияти таракқиётига зомин бўлувчи офатдир. Шу билан бирга бутун дунё ахлини ташвишга солаётган аср вабоси сифатида кўз қўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётгани барча-мига аён. Энг ачинарлиси шундаки, ушбу ажал йўлида ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёшлар, қизлар ва хатто фарзандли кишилар бор.

Нима учун бугунги кунда, ҳонун билан таққиланганлигига қарамаддан, наркотик моддаларини ишлаб чиқариш ва у билан савдо қилувчилар тобора кўпайиб бормоқда, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг асосий сабаби, Президентимиз таъкидланганлидек, бу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари бўлиб, унинг иштирокчилари халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан ҳам, миллий қонулар мажмуи билан ҳам, айниқса «оқ ажал»нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда.

Маълумотларга қараганда, гиевандлик воситаларини биринчи марта ёшларнинг 12-14 ёшларидаёқ истеъмол қилиб қўриш ҳоллари кўпаймоқда. Онгли инсоннинг бугунги кунда «оқ ажал»нинг оқибатларини била туриб, унинг қора чангалига илиниб қолишига нималар сабаб бўлмоқда? Биринчидан, шахсининг «ажал кўчаси»га кириб қолишига, аввало, унинг ўзи ва тарбияси сабаб бўлади. Иккинчидан, бизнинг ён-атрофдаги воқеаларга бепарволигимиз.

Учинчидан, муайян шахснинг ҳаётида кечаётган қийинчиликлар бўлса, тўртинчидан, ён-атрофдаги айрим шахсларнинг таъсири ҳам бордир. Энди бевосита гиевандлик воситалари ҳусусияти тўғрисида, уни истеъмол қилувчи шахсларнинг истеъмол қилмасдан аввалги ва истеъмол қилгандан кейинги ҳаётлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Айтишларича, гўёки наркотик

бўлади. Ана шу шахслар иродаси заиф, ҳаётга енгил-елли қарайдиган кимсаларнинг онгини захарлаб, уларнинг иштиёқини, ҳиссийтини янада шакллантиради. Дастлаб улар гиевандлик воситасини текинга беради ва ўз жамоаси сонини орттиради. Ҳазил-ҳузул билан, бир марта истеъмол қилсам, ҳеч нима бўлмади, деб ташланган нотўғри қадам бориб-бориб инсонни ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан емиради.

Гиевандлик воситасини истеъмол қилувчи инсонларга ҳаёт наркотиксиз ўз мазмун-моҳиятини, файзини йўқотади. Чунки гиевандлик воситаси

истеъмоли кишига вақтинчалик ҳузур-ҳаловат, ширин туйғулар бахш этади. Лекин шундан кейин инсон зарур бўлган микдордаги гиевандлик воситасини қабул қилмаса, ўзини ёмон ҳис эта бошлади, нима қилиб бўлса ҳам оқни топишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу йўлда эса инсон ҳеч нимадан тоймайди, ўй-жиноий, мол-мулкни сотади ва охири-оқибат ноҳақ ишга, яъни жиноятга қўл уради, зеро, улар учун пул топишнинг ягона йўли жиноятга қўл уришдир.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг 75 фоизи наркотик моддалари билан боғлиқ бўлган ҳолда содир этилар экан.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, гиевандлик вабоси ҳақли йўлидан ҳар бир шахс оғир касалликларга, яъни даволаниши қийин бўлган гепатит В ва унинг бошқа кўринишлари, охири ўлим билан тугайдиган СПИД касаллигига, бу дунёда ўзидан кейин ворис қолдириш бахтидан жудо бўлиш билан бир қаторда оиласидан, қариндош-уруғидан, қўни-қўшни, маҳалласидан, жамоадан ажралиб қолади. Охири-оқибат гиевандлик унинг умрига завол бўлади.

Бу иллат ҳаммамизга ёт бўлсин.

Шоира САЙДУЛЛАЕВА,  
Нилуфар СОДИКОВА.

Албатта, онандан ҳеч ким жиноятчи ёки номақбул фарзанд бўлиб туғилмайди. Ҳаёт эса улуг мактаб, шодлигу хурсандчиликлар, ғаму ташвишлардан, текис-нотекис йўллардан иборатдир.

## ГИЕВАНДЛИК — ИНСОНИАТ ДУШМАНИ

воситаларини истеъмол қилган шахс дунё ташвишини унутиб, ғам- ташвишдан ҳоли бўлармиш. Лекин наркотик воситаси шу қадар қучли руҳий таъсир қўйиб, у бор-йўғи бир-икки қўланилиши билан инсонни ўзига қараб қилиб, мисли кўринмас касалликларга чалинишига сабаб бўлади.

Масалан, ҳозирги вақтда СПИД билан касалланганларнинг 95 фоизини айнан шу гиевандлик воситаларини истеъмол қилувчиларга тўғри келар экан. Бундан ташқари, бу касаллик онандан ҳали туғилиб, дунё нима эканлигини тушуниб етмаган норасида гўдакларга ўтишини айтмайсизми, донорлик қони орқали бу касалликка чалиниб қолаётганларчи... Яна қайтариб ўтамиз: буларнинг ҳаммасининг асосий сабаби гиевандлик воситалари бўлса, иккинчиси жамиятдаги лоқайдликдир.

СПИДга чалинган инсон бу дунёда энг узоғи билан 10 йил, у ҳам бўлса азоб уқубатларга яшаб ўтади. Бу касалликка чалинган битта шахсини даволаш учун кетадиган бир йиллик минимал харажат эса 10 минг АКШ долларини ташкил этар экан. Бу харажатларни бугунги кунда топиб бериш осонми?

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шахснинг гиевандлик воситаларини истеъмол қилишига айрим шахслар ҳам сабабчи

## Мунажжим башорати

## САБР-ТОҚАТЛИ, МУШОҲАДАЛИ БЎЛИНГ

24 ИЮНЬ, ЖУМА

Катта фоалик кунини ҳисобланган бугунги кунни ҳар қандай ишда собитқадамлик ва дадиллик кўрсатиш билан, ўтказиш керак бўлади. Қўл ушлаш мумкин эмас — акс ҳолда ҳамма ёғингиз қакшаб оғриб, касал бўлиб турасиз. Хужжатларни имзолаш, сафарлар ва саёҳатларга йўл олишингиз, билимларингизни ошириш ёки жисмоний машқларнинг янги туркумини бошлашингиз мумкин.

Бугун атрофингизда нималар содир бўлаётгани, ҳаётингизда кимлар пайдо бўлаётгани, нималар сизни "ром этиши"га эътибор қилинг. Зеро, бугун атрофдаги воқеа-ҳодисалар ҳар биримизнинг ҳақиқий юзимизни кўзгудагидай акс эттиради. Ҳом ҳаёллар, хато ва англашилмовчиликлардан, ёмон қилиқларингиздан халос бўлиш имконияти ҳам туғилиши мумкин. Бугун сизнинг ҳимоянгизга айниса болалар муҳтож бўлишини ёдингизга тутинг ва уларни асло ёлғиз қолдирманг.

Мунажжим С. Илчиёе оғохлантиришича, шу кунни туғилганлар ҳеч бир иш билан мустақил шугулланмаганлари маъқул. Зеро, улар аввало ўзларидеги худбинлик ва манманликни енгиб олишлари, бунда ўзларига устоз топишлари керак бўлади. Шундангина улар маънавият қўқилишини забот эта боришлари мумкин. Ирода кучини тоблаш мақсадида бугун кунни рўза тутиб ўтказиш фойдали бўлади.

Бугун хилма-хил аломатларга эътиборли бўлиш, айниса, шамол, қалит, парранда ва ислар билан боғлиқ аломатларга диққат бериш керак бўлади. Бир неча бор бир исмини эшитишингиз — сиз учрашадиган кишининг исмини билдиради.

Бу кеча қўриладиган тушлар бирор аҳамиятга эга бўлмайди ва уларни таъбир қилишга ҳам ҳожаз йўқ.

## БУГУН:

- ўзингиз одатланган муҳитда ишлаб, дам олишингиз;
- ҳар қандай вазиятда фаҳм-фаросат ва босқик билан иш қўриш;
- хоналарни йиғиштириш, уйларни таъмирлаш, томорқа ерларини тартибга келтириш билан машғул бўлиш;
- танбалликни енгил — зеро, муваффақиятларингиз меҳнатсеварлигингизга боғлиқдир;

- бирон-бир муҳим ишга қўл уришдан олдин унинг натижаси нима билан тугаши мумкинлигини ҳисоблаб, чамалаб чиқиш;
- ўзингиз учун мураккаб бўлган, масалан, молиявий ҳисоботлар, сметалар ва мураккаб ҳисоб-китобларни тушуниб олишга интилиш тавсия этилади.

Кўёш остида кўп бўлишдан ўзингизни сақланг.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ "РОУТАХТ AUKSION" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдоларга Тошкент шаҳрида жойлашган ҳар хил турдаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқи қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдолар соат 11.00да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% микдордаги закалат пулини "РОУТАХТ AUKSION" ДУК "АТИБ" Ипотека банки Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 х/р тўлайди.

Савдо Тошкент шаҳра, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 "А"-уйда ўтказилади.  
Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 297-мактаб томонидан Наримова Сайёра Эркинжоновна номига берилган АО № 009309 рақамли 9-синфини битирганлиги ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Қуйичиріқ тумани ХТБ томонидан 1996 йилда Тешабаева Наргиз Ўктамовна номига берилган VZA № 080072 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Қуйичиріқ тумани ХТБ томонидан Тешабаева Азиза Ўктамовна номига берилган О'Р № 1133525 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникуми томонидан 2002 йилда Иброҳимов Иброҳим Султонович номига берилган Т № 087073 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти  
реклама агентлигини  
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95  
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ объект устула  
босилди.  
3684 руссика босилди. Қозғ биниы А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар  
жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент  
почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.